

Махсулот сотиш ва харид қилиш
№ 46 - сонли ШАРТНОМА

Делло
90 февраль
110 Чоғдор
Қува тумани

2022 йил « 10 » июн

Икки томонлама ҳужалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «Чимён барака савдо сервис» МЧЖ (кейинги уринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбар А.П.Ахмедов биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда уз Низомига асосан фаолият юритувчи Мувоҳудат қошимчи номидан раҳбари А. Умаров (келгусида «Харидор» деб аталади) урталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети

- 1.1. «Сотувчи» «Харидор»га куйидаги махсулотларни етказиб беради: Озми овқат
1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 41690000 (қирк бир миллион олти юзи туксон минг сум) (ракам ва суз билан тулик ёзилади) сумни ташкил қилади.
1.3. Махсулотлар куйидаги асортиментда етказиб берилади:

Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси	Шундан ККС	
					%	сумма
Гуруч	Кг	1100	8800	9680000	15	1262608,70
Усимлик ёғи	Литр	220	18000	3960000	15	516521,74
Картошка	кг	3300	4900	16170000	0	0
Сабзи	Кг	1100	3900	4290000	15	559565,22
Тухум	Дона	3300	1000	3300000	15	430434,78
Шакар	Кг	220	10800	2376000	15	309913,04
Чой 0,4	пачка	110	17400	1914000	15	249652,17
жами:				41690000		3328695,65

2. Хисоб-китоб қилиш тартиби.

- 2.1. Махсулот учун тулов пул утказиш йули билан амалга оширилади.
2.2. «Харидор» шартнома умумий суммасининг 30% ни аванс тарикасида шартнома тулик кучга кирган кундан бошлаб 20 банк иш куни мобайнида, колган 70% ни махсулот етказиб берувчи махсулотни етказиб берган кунидан бошлаб, 20 банк иш куни давомида махсулот етказиб берувчининг банк хисоб рақамига утказиб беради.
2.3. Махсулотлар учун нарх узаро келишилган холда белгиланади.
Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томионидан белгиланган нархалар асос қилиб олинади.
2.4. Агар давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган махсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Сотувчи» зиммасидан қопланади.
2.5. Шартнома суммасидан ортик махсулот етказиб берилганда («Буюртмачи» огоҳсиз бажарилганда) хисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан амалга оширилмайди.

3. Махсулот етказиб бериш

- 3.1. Махсулот етказиб берувчи махсулотни хисоб рақамига аванс маблағи келиб тушган кундан 5 банк иш кунида етказиб беради.
3.2. «Сотувчи» шартномада белгиланган махсулотларни «Харидор» талабига мувофик муассасаларга, сифатли ҳамда бут холда етказиб беради ва транспорт харажатларини уз зиммасига олади.
3.3. Етказиб берилган махсулот учун маъсул шахс томонидан хисоб варақ фактурага қабул қилганлиги тугрисида имзо қуйиб олган вақтдан бошлаб «ХАРИДОР» мулкига айланади

4. Махсулотни топшириш ва қабул қилиш.

- 4.1 «Харидор» вақолатли шахс қабул қилиб олиш жараёнида махсулотнинг ишга яроклилигини, сифатини, микдори жихатдан шартномага мос келишини текшириб олиш лозим. Махсулот тулик қабул қилиб олингандан сунг махсулотни сақлаш жавобгарлиги «Харидор» вақолатли шахс зиммасига утади.

5. Томонларнинг ҳуқуқи ва мажбурияти

- 5.1. «Сотувчи» «Харидор» томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок муҳр босилган ишонч қозғи курсатгандан сунг махсулот беради.
5.2. «Сотувчи» махсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиклик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, ҳулосаси ва ҳаказолар), ҳамда махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотларни етказиб беришга қафолат беради.
5.3. «Сотувчи» ҳужжатлар тугри расмийлаштирилишини уз зиммасига олади, ҳамда махсулотларни муассасаларга етказиб беради.
5.4. «Харидор» шартномада курсатилган махсулотни сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.
5.5. «Харидор» қабул қилиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиклигини аниқлаган холда, «Сотувчи»га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган махсулотни «Сотувчи»га қайтариб беради.
5.6. «Сотувчи» «Харидор»га унинг ишонч қозғида қайд қилинган махсулотлар беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч қозғида курсатилмаган махсулотларни, ёки махсулотларни ишонч қозғида белгиланган микдоридан ортик берган ҳолларда, бу махсулотлар учун «Харидор» томонидан ҳақ туланмайди.
5.7. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотлар етказиб берилса,

бу махсулотлар «Сотувчи»га кайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ туланмайди.

5.8. «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Томонлар тарафидан шартнома шартлари бузилган ҳолларда, жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»га, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари утиб кетган махсулотларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай махсулотларнинг умумий қийматидан 50%, лекин шартноманинг 1,2 бандида курсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима куллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.3. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келинмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатларининг оқибати ҳисобланса, сотувчи пеня тулаш мажбуриятидан халос қилинади.

5.4. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5.5. Етказиб берилган махсулотнинг қиймати шартномада келишилган муддатларда, уз вақтида туланмаган тақдирда «Харидор» «Сотувчи»га ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорида пеня тулайди.

Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатларининг оқибати ҳисобланса, «Харидор» пеня тулаш мажбуриятидан халос қилинади.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби.

6.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар буйича томонлар келишиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келиша олмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хужалик судлари орқали ҳал қилинади.

8. Форс-мажор ҳолатлари.

7.1. Шартнома тузилгандан сунг бартараф этилиши томонларнинг таъсири ва истакларига боғлиқ булмаган вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишда ҳалақат берадиган вазиятлар содир булганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида айтиб утилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли Томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

7.2. Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга булмаган Томон дарҳол иккинчи Томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этилганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

7.3. Бартараф этилиши мумкин булмаган вазиятлар содир булгани ёки уларни бартараф этилгани ҳақида уз вақтида, 15 кундан кўп булмаган муддатда хабар бермаган Томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, бу вазиятларни сабаб қилиб курсата олмайди.

9. Шартнома амал қилиш муддати

8.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сунг кучга киради.

8.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «31» декабр гача.

8.3. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулот «Харидор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3 бандлари бажарилмаганда шартнома «Харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинган тўғрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

10. Қушимча шартлар

9.1. Шартнома уч нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сақланади.

9.2. Шартномага барча узгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қушимча битим имзоланган ҳолда қонуний деб ҳисобланади.

9.3. Шартноманинг туман газначилик булими руйхатга олгандан сунг тулик кучга эга деб ҳисобланади.

10. Томонлар ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари

«Сотувчи»

«Харидор»

«Chimyon Baraka Savdo Servis» MChJ

Қува туман ҳокимлиги

(етказиб берувчи номи)

(олувчи номи)

Манзил: Фарғона тум Парвоз Фар турмуш №1

Манзил: Мустақиллик йўли

Тел/факс: 97 214-2108

Тел/факс: 30 022 8603 0218 7109 6020 18001

х/р: 2020 8000 0048 2265 0001

ш/х: 505022860302187109601018001

Банк: АТБ-Ҳамкорбанк Фарғона минтақавий

ИНН: 200171409

ХХТУР

МФО: 01155

ИНН: 301442271

Молия вазирлиги газначилиги

х/р: 23 402 000 300 100 001 010

ОКОНХ: 47290

Марказий банк Тошкент ш. 66, ХККМ

ИНН: 201122919

МФО: 00014

CHIMYON BARAKA SAVDO SERVIS

Раҳбар:

ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА
Ушбу шартнома лойиҳаси
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва
«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг
шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги
Қонуни талабларига мос келади. Ушбу шарт-
номани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.
Юрист
А.П.Ахмедов
А.Х.Турдалиев





О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

2022 - yil 29 - aprel

174-11-0-F/22

Farg'ona viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28, 126-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сонли ва 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

1. Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 26 январдаги VI-40-2-11-0-К/22-сонли қарорининг 1-илоvasи билан вилоятда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларига ўтказиш харажатлари учун вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан 5,0 млрд.сўмдан маблағ вилоят ҳокимлигига ажратилганлиги, бунда вилоят ҳокимининг 2022 йил 21 апрелдаги 166-11-0-F/22-сонли Фармойиши билан мазкур маблағларнинг 3,0 млрд.сўми шаҳар ва туманлар “Ёшлар дафтари” жамғармаларига ўтказиб берилганлиги инобатга олинсин.

2. Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 28 апрелдаги VI-43-54-11-0-К/22-сонли қарорига асосан Рамазон хайити муносабати билан вилоятдаги кам таъминланган оилаларни ижтимоий

қўллаб қувватлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш харажатлари учун вилоят саҳоват ва кўмак жамғармасига ўтказишга 2,0 млрд.сўм маблағ вилоят ҳокимлигига ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сонли қарори ижросини таъминлаш, жумладан “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган ёшлар ва аёллар ҳамда вилоятдаги ижтимоий химояга муҳтож, кўп фарзандли оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз қарияларни бир марталик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 26 январдаги VI-40-2-11-0-К/22-сонли қарори билан ажратилган маблағ ҳисобидан иловага мувофиқ «Ёшлар дафтари» жамғармаларига 379 000,0 (уч юз етмиш тўққиз миллион) минг сўм ҳамда «Аёллар дафтари» жамғармаларига 792 110,0 (етти юз тўқсон икки миллион бир юз ўн) минг сўм маблағ ўтказиб берилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги аппаратининг Ишлар бошқарувчиси А.Сарбаевга Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 26 январдаги VI-40-2-11-0-К/22-сонли қарори билан ажратилган маблағлар ҳисобидан мазкур Фармойиш иловасига асосан ажратилаётган маблағларни шаҳар ва туманлар «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» жамғармаларига ўтказиб берилишини таъминласин.

5. Барча шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси (М.Ғаниев) ва вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси (К.Кавлонова) билан биргаликда мазкур Фармойишга асосан «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» жамғармаларига ўтказиладиган маблағларни «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд ёшлар ва аёлларни бир марталик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш харажатлари учун белгиланган тартибда мақсадли йўналтириш бўйича барча зарур чоралар кўрилишини таъминласинлар.

6. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоев, вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Б.Ҳолиқов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви (Б.Юлбарсов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ва бошқа масъуллар билан биргаликда мазкур Фармойиш иловасига асосан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят

бўлими бошқаруви ҳузуридаги “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан “Темир дафтар”ги киритилган ва вилоятдаги ижтимоий химояга муҳтож, кўп фарзандли оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз қарияларни бир марталик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича тегишли рўйхатларни шакллантириш ҳамда Рамазон хайити муносабати билан озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига тарқатилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

Бунда, вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Б.Холиқов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатишга оид тегишли ҳужжатларни “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарувига тақдим этилишини таъминласин.

7. Вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев)га ажратилган маблағлар доирасида харажатлар сметасини белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш, вилоят газначилик бошқармаси (А.Ғойипов)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси (С.Жўраев)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

8. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров

Farg'ona viloyat hokimining
2022 yil 29 apreldagi
174-11-0-F/22-son farmoyishiga
1-ilova

Рамазон хайити муносабати билан "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган ҳамда вилоятдаги ижтимоий химояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга бир марталик озик-овқат маҳсулотлари тарқатиш ТАҚСИМОТИ

минг сўм

№	Туман ва шаҳарлар номи	Озик-овқат тарқатиладиган оилалар сони	Шундан					
			Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 26 январдаги VI-40-2-11-0-К/22-сонли қарорига асосан ажратилган маблағ ҳисобидан			"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви ҳузуридаги "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан		
			"Ёшлар дафтари" бўйича		"Аёллар дафтари" бўйича		"Темир дафтар" ва ижтимоий химояга муҳтожлар	
			Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
1	Фарғона шаҳри	590	46	17 434,0	110	41 690,0	434	164 486,0
2	Қўқон шаҳри	595	60	22 740,0	110	41 690,0	425	161 075,0
3	Қувасой шаҳри	505	18	6 822,0	110	41 690,0	377	142 883,0
4	Марғилон шаҳри	605	40	15 160,0	110	41 690,0	455	172 445,0
5	Олтиариқ тумани	505	88	33 352,0	110	41 690,0	307	116 353,0
6	Боғдод тумани	505	50	18 950,0	110	41 690,0	345	130 755,0
7	Бувайда тумани	505	25	9 475,0	110	41 690,0	370	140 230,0
8	Бешариқ тумани	505	29	10 991,0	110	41 690,0	366	138 714,0
9	Қува тумани	505	88	33 352,0	110	41 690,0	307	116 353,0
10	Учкўприк тумани	505	41	15 539,0	110	41 690,0	354	134 166,0
11	Риштон тумани	505	103	39 037,0	110	41 690,0	292	110 668,0

12	Сўх тумани	405	42	15 918,0	110	41 690,0	253	95 887,0
13	Тошлок тумани	505	57	21 603,0	110	41 690,0	338	128 102,0
14	Ўзбекистон тумани	505	12	4 548,0	110	41 690,0	383	145 157,0
15	Фарғона тумани	1 005	6	2 274,0	110	41 690,0	889	336 931,0
	шундан			0,0			0	0,0
	Шоҳимардон ва Ёрдон	405		0,0			405	153 495,0
	Тоштепа	95		0,0			95	36 005,0
16	Данғара тумани	505	105	39 795,0	110	41 690,0	290	109 910,0
17	Фуркат тумани	405	62	23 498,0	110	41 690,0	233	88 307,0
18	Ёзёвон тумани	405	68	25 772,0	110	41 690,0	227	86 033,0
19	Қўштепа тумани	505	60	22 740,0	110	41 690,0	335	126 965,0
	Жами	10 070	1 000	379 000,0	2 090	792 110,0	6 980	2 645 420,0